Abdumannan ISMATULLAEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
3rd year student of graduate school,
a.ismatullaev@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

МОВАРОУННАҲРДА ЁЗИЛГАН ТАЖВИД ВА ҚИРОАТ ИЛМИГА ДОИР МАШҲУР МАНБАЛАР

ЗНАМЕНИТЫЕ ИСТОЧНИКИ МАВЕРАННАХРА, ПОСВЯЩЕННЫЕ НАУКАМ О ТАЖВИДЕ И КИРА'АТ (ЧТЕНИИ КОРАНА)

FAMOUS SOURCES OF MAVERANNAHR DEDICATED TO THE SCIENCES OF TAJWID AND QIRA'AT (READING OF THE QURAN)

Таянч сўзлар: *тажвид, қироат, манба, қўлёзма, тошбосма, байт, қори, ислом илмлари, тафсир, фиқҳ, Мовароуннаҳр.*

Ключевые слова: *таджвид, кираъат, источник, рукопись, летопись, двустишье, чтец Корана, исламские науки, тафсир, фикх, Мавераннахр.*

Keywords: *tajvid, kira'at, source, manuscript, annals, couplets, reader of the Koran, Islamic sciences, tafsir, fiqh, Maverannahr.*

Тафсир, ҳадис, калом, фиқҳ сингари ислом илмлари қаторида тажвид ва қироат илми ҳам муҳим ўрин тутади. У Қуръонни тўғри ўқиш қонун-қоидаларига бағишланган бўлиб, исломнинг илк давридан бошлаб шаклланиб келган. Тажвид ва қироат илми ривожланиши баробарида ушбу илм билан махсус шуғулланадиган қори мутахассислар ҳам етишиб чиққан. Улар ўз илмларини устоз-шогирдлик анъанаси асосида кейинги авлодга етказиш билангина кифояланмасдан, балки ёзма шаклда илмий асарлар ҳам қолдирганлар. Шу сабабли дунёда тажвид ва қироат илмига доир машҳур манбалар вужудга келган. XIX-XX аср бошларигача ҳам Мовароуннаҳрда тажвид ва қироат илмига доир бир қанча машҳур ва муҳим асарлар битилган ҳамда уларнинг аксарияти кейинги даврдаги китобларга ҳам асосий манба вазифасини ўтаган. Улар алоҳида ва изчил тарзда ўрганилган эмас. Мазкур мақолада Мовароуннаҳрда битилган тажвид ва қироат илмига оид машҳур манбалар тўғрисида сўз юритилади.

Тажвид ва қироат илмининг энг машҳур олимларидан бири Шамсиддин ал-Жазарий (751-833 ҳ./1350-1429 м.) томонидан 2 жилдлик "Ғоят ан-ниҳоя фи табақот ал-қурро" номли асар битилган бўлиб, унда 3955 нафар Қуръон қориси ва қироат устозлари ҳақида маълумот келтирилган (Shamsiddin ibn al-Jazariy, 2006: 21).

Шамсиддин аз-Заҳабий (673-748 ҳ./1274-1348 м.) томонидан эса "Маърифат ал-қурро ал-кибор ъала-т-табақот ва-л-аъсор" номли асар битилган бўлиб, унда 1242 нафар Қуръон қориси ва қироат устозлари ҳақида маълумот келтирилган (Shamsiddin az-Zahabiy, 1995: 23).

Мазкур машҳур қориларнинг қарийб учдан бир қисми китоб ёзиб қолдирганлар, деб айтиш мумкин. Уларнинг барчаси ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган, айримлари эса ўз давридаёқ шуҳратга эришган бўлса, қолганлари қўлёзма ҳолида қолиб кетган. Масалан, "Ғоят ан-ниҳоя"да муаллиф Юсуф ибн Муҳаммад ал-Хоразмий деган қироат олимининг мавзуга оид "ат-Тақриб" асарини кўрганини қайд қилиб қолдирган. Лекин, дунё қўлёзма жамғармаларида мазкур китобнинг қўлёзма нусхаси ҳақидаги хабарни топа олмадик.

Қуръонни тўғри ўқиш қонун-қоидаларига бағишланган тажвид ва қироат илми соҳасида мовароуннаҳрлик юзлаб олимлар ҳам илмий фаолият олиб борганлар. Шубҳа йўққи, барча исломий ва дунёвий илмлар каби бу соҳада ҳам Мовароуннаҳр алломалари баракали ижод қилишган, дунё халқларига устоз бўлиб келишган. Шу хилдаги Марказий Осиёдан етишиб чиққан қироат ва тажвид олимлари, моҳир қори ва етук ҳофизлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳам мазкур минтақа илм-фани ва маданий-маърифий тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Биз мазкур фаслда мовароуннаҳрлик қорилар ва қироат олимларининг қироат ва тажвидга оид асарлари ва мазкур минтақада машҳурликка эришган, ўз даврида қўлма-қўл истеъмолда бўлиб келган манбалар тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Чунки, мазкур манбаларнинг аксарияти бизнинг тадқиқот объектимиз бўлиб турган XIX аср – XX аср бошларидаги қироат ва тажвидга оид асарларга манба вазифасини ўтаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги Асосий фондида сақланаётган нодир ва ноёб қўлёзма манбаларнинг бир қанчаси айнан тажвид илмига оиддир. Бироқ, улар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун илмий маълумотлар йўқ ҳисоби. Бирламчи ҳисоб-китобларга қараганда, арабча манбаларнинг 141 нусхаси, форсча ва туркийча манбаларнинг эса 182 нусхаси айнан

Мазкур мақолада тафсир, ҳадис, калом, фиқҳ сингари ислом илмлари қаторида тажвид ва қироат илми Мовароуннаҳрда ривожлангани, мазкур илмлар бўйича энг машҳур асарлар ёзилгани таҳлил қилинган.

Тажвид ва қироат "Қуръон"ни тўғри ўқиш қонун-қоидаларига бағишланган бўлиб, исломнинг илк давридан бошлаб шаклланиб келган. Тажвид ва қироат илми ривожланиши баробарида ушбу илм билан махсус шуғулланадиган қори мутахассислар ҳам етишиб чиққан. Улар ўз илмларини "Устоз – шогирд" анъанаси асосида кейинги авлодга етказиш билангина кифояланмасдан, балки ёзма шаклда илмий асарлар ҳам қолдирганлар. Шу сабабли дунёда тажвид ва қироат илмига доир машҳур манбалар вужудга келган. XIX-XX аср бошларигача ҳам Мовароуннаҳрда тажвид ва қироат илмига доир бир қанча машҳур ва муҳим асарлар битилган ҳамда уларнинг аксарияти кейинги даврдаги китобларга ҳам асосий манба вазифасини ўтаган. Улар алоҳида ва изчил тарзда ўрганилган эмас. Мазкур мақолада Мовароуннаҳрда битилган тажвид ва қироат илмига оид машҳур манбалар тўғрисида сўз юритилади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фондида сақланаётган нодир ва ноёб қўлёзма манбалардан айнан тажвид илмига оид манбалар таҳлил қилинган. Мақоладаги бирламчи ҳисоб-китобларга қараганда, арабча манбаларнинг 141 нусхаси, форсча ва туркийча манбаларнинг эса 182 нусхаси айнан тажвид илмига оид қўлёзмаларни ташкил этади. Мақолада улардан айримларининг асар номларига, шунингдек, уларнинг муаллифларига аниқликлар киритилган. Бу эса мақоланинг илмий янгилигининг кўрсатади.

Данная статья посвящена изучению развития таких исламских наук как тафсир, хадис, калам и фикх в Мавераннахре, кроме того развитию наук таджвида и чтения Корана (кираъат), а также наиболее известным работам в этой области.

Науки тажвид и кираат были посвящены принципам правильного чтения Корана и развивались с ранних времен ислама. С развитием наук о таджвиде и кираъате появлялись эксперты, которые специализировались на этих знаниях. Они не только передавали свои знания следующему поколению, основываясь на методе «от учителя - к ученику», но также оставили написанные ими научные труды. Благодаря этому до нас дошли знаменитые источники в области тажвида и кираата. До начала XIX и XX веков в Мавераннахре были написаны знаменитые и важные произведения, посвященные таджвиду и кираъату, и большинство из них стали основными источниками для последующих книг в этой области. Но они до настоящего времени не были объектеми специальных исследований. В этой статье идёт речь о популярных источниках по наукам, таджвид и кираъат, написанных в Мавераннахре.

В статье анализируются уникальные рукописи о науке тажвид, хранящиеся в главном фонде Института востоковедения имени Абу Рейхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. Согласно первоначальным подсчетам (которые приводятся в статье) 141 экземпляр арабских рукописей 182 экземпляра персидских и тюрских рукописей относятся к науке тажвид. В статье приведены названия некоторых из них, а также их авторов. Это определяет степень научной новизны данной статьи.

This article is devoted to the study of the development of Islamic sciences such as tafsir, hadith, kalam, and fiqh in Maverannahr, in addition to the development of tajvid sciences and the reading of the Qur'an (qira'at), as well as the most famous works in this field.

The sciences of tajvid and qira'at were devoted to the principles of the correct reading of the Qur'an and developed from the early days of Islam. With the development of tajvid and qira'at sciences, there appeared experts who specialized in this knowledge. They not only passed on their knowledge to the next generation, based on the "from teacher to student" method but also left the scientific papers they wrote. Thanks to this, famous sources in the field of tajvid and qira'at have reached us. Until the beginning of the 19th and 20th centuries, famous and important works dedicated to tajwid and qira'at were written in Maverannahr, and most of them became the main sources for subsequent books in this field. But so far they have not been the subject of special studies. This article is about popular science sources, tajvid and qira'at, written in Maverannahr.

The article analyzes unique manuscripts about the science of tajvid stored in the main fund of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. According to initial calculations (which are given in the article), 141 copies of Arabic manuscripts 182 copies of Persian and Turkic manuscripts belong to the science of tajvid. The article gives the names of some of them, as well as their authors. This determines the degree of scientific novelty of this article.

тажвид илмига оид қўлёзмаларни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти Имом аш-Шотибий (538-590 ҳ./1144-1194 м.) "Ҳирз ал-амоний" ва Шамсиддин ал-Жазарий (1350-1429) қаламига мансуб арабча "ал-Муқаддима" асари ёки Мирзо Зоҳид (XVIII аср) номли маҳаллий қорининг форсча "Қавоид ал-Қуръон" асарлари нусхалари бўлишига қарамасдан дунё илмий жамоатчилигига номаълум, жаҳоннинг бошқа қўлёзма фондларида топилмайдиган бир қанча манбалар ҳам учрайди. Улар ҳалигача илмий тадқиқотлар доирасига тортилмаган, кўпчилигининг мукаммал илмий тавсифлари ҳам мавжуд эмас.

Абулқосим аш-Шотибийнинг бутун дунёга машҳур тажвид ва қироат илмига бағишланган асарининг тўлиқ номи "Ҳарз ал-амоний ва важҳ ат-таҳоний фи-л-қироат ас-сабъ ал-масоний" деб

аталган ва муаллиф нисбаси билан “Шотибия” деб ҳам шуҳрат қозонган. Мазкур асар шеърий манзума шаклида тузилган бўлиб, байтларининг барча бандлари “лом” ҳарфи билан тугатилган. Шунинг учун ҳам асар илм аҳли орасида “Ломия” номи билан ҳам машҳур бўлган. Асар 78 бобдан иборат бўлиб, 1173 байтни ўз ичига олади. “Шотибия”нинг 18 та ноёб қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмаларининг Асосий фондида сақланади. Мазкур фондда асарнинг “Иброз ал-маоний”, “Мубарриз ал-маоний”, “Канз ал-маоний”, “Сирож ал-Қори”, “Кошиф ал-маоний” ва “Қутбия” каби ўнга яқин шарҳлари нусхалари ҳам мавжуд. Бу жиҳат асарнинг Ўрта Осиёда нақадар шуҳрат қозонганини ҳам яққол кўрсатади. Имом аш-Шотибийнинг мазкур қасида манзумасидан ташқари “Китоб вуқуф ал-мудаллал ал-ароис ал-Қуръон бил-ҳалл ал-мукаллал” номли асарининг ҳам ноёб қўлёзма нусхаси сақланади (Abulqosim ash-Shotibiy, № 12101: 175 v).

Шамсиддин ал-Жазарийнинг ўндан ортиқ китоблари шуҳрат қозонган бўлса-да, бироқ энг муҳим асари айнан тажвид илмига бағишланган. У “ал-Муқаддима ал-жазария” деб аталади. У ҳам “Шотибия” сингари манзума шаклида тузилган бўлиб, арузнинг ражаз баҳрида ёзилган. У 108 байтдан иборат. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаларининг Асосий фондида унинг 20 га яқин нусхалари бор. Мазкур асарнинг Тошкубризода (901-968 ҳ./1495-1561 м.) ва Мавлоно Али ал-қори (ваф. 1014 ҳ./1606 м.) томонидан қилинган шарҳларидан ҳам бир неча нусхалари мавжуд. Шамсиддин ал-Жазарийнинг яна қироат илмига оид “Тийбат ан-нашр” ва “ан-Ниҳоя” каби асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам мазкур фондда мавжуд.

Тажвид илмига бағишланган асарларнинг аксарияти Мирзо Зоҳид номи билан танилган муаллифга тегишли “Назм ал-қавоид” асари қўлёзмаси нусхалари ҳисобланади. Бироқ, мазкур манба билан яқиндан танишиладиган бўлса, унинг атрофида бир қанча илмий муаммоларни ҳал қилиш зарурати мавжудлиги маълум бўлади.

Қўлёзмалар картатекаларига қараганда, Асосий фонд таркибида мазкур асарнинг роппа-роса 63 та нусхаси мавжуд. Уларнинг аксарияти XIX асрда кўчирилган. Шунингдек, Дублет фондида ҳам асарнинг камида 60 та нусхаси сақланади. Ҳамид Сулаймон фондида ҳам асарнинг 10 дан ортиқ нусхаларини учратиш мумкин. Асар муаллифи эса қўлёзмалар картатекаларида Мирзо Зоҳиддан ташқари Зоҳид, Зоҳидий, Мулла Зоҳид, Мавлоно Зоҳид ҳам дейилган.

Мирзо Зоҳид тўғрисида адабиётларда маълумотлар деярли учрамайди. Дублет фонди қўлёзмаларининг қисқача илмий тавсифини тайёрлаган мутахассислар “Назм ал-қавоид”нинг муаллифини Мирзо Зоҳид Ҳиравийга нисбат қилганлар ва уни 1101/1690 йили вафот этган, деб кўрсатганлар (ЎзР ФА ШИ, № Д 2578/II). Бу зот Муҳаммад Зоҳид ибн Муҳаммад Аслам ал-Ҳаравий бўлиб, ўз даврининг таниқли мутакаллимларидан бири ҳисобланади. У Кобулда муҳтасиблик лавозимида фаолият юритгани учун Мир ва Мирзо деб мурожаат қилинган. У ўзининг “аш-Шамсия”, “ал-Мавоқиф” ва “Таҳзиб ал-мантиқ” каби калом илмига оид машҳур асарларга битган шарҳлари билан танилган. Улар бир неча марта тошбосмаларда ҳам чоп қилинган (Ali Akbar Dehxudo, 1993: 11084). Унинг “Рисола тасдиқ ат-тасаввур ва-т-тасдиқ” номли асари ҳам мавжуд (Muhammad Zohid al-Haraviy, № 5330/VII: 147[а]-154[б]). Ҳақиқатдан ҳам асар ҳиротлик ушбу мутакаллимга тегишлими? Ундай бўлса, нимага асар Хуросонда эмас, балки Мовароуннаҳрда кўпроқ шуҳрат қозонди, деган саволлар туғилади.

Ушбу саволларга жавоб излар эканмиз, асар Зоҳид тахаллусли “Туҳфат ал-ахёр” муаллифи Муҳаммад Амин Зоҳидга тегишли бўлиши мумкин эмаслигига амин бўлиш мумкин. Чунки, мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси “Назм ал-қавоид”дан 100 йил аввал, яъни 1001 ҳижрий йилда кўчирилган.

Бундан ташқари, “Луғати Қуръон” ва “Таржимаи луғати Каломуллоҳ” деб аталган асар муаллифи Мулла Зоҳид деган шахсга тегишли бўлиб, унинг бир нусхаси 1249/1834 йили 35 варақ қилиб кўчирилган. Асар нусхасининг 1[а] варағида “Мусанниф Мулла Зоҳид” деган қайд учрайди (Mulla Zohid, № 1497/I: 1[а]). Мазкур Мулла Зоҳид биз тадқиқ қилаётган “Назм ал-қавоид” асарининг маллифими?

“Назм ал-қавоид” XIX асрда Марказий Осиё мадрасаларида жуда машҳур бўлган. Муаллиф ўтмишдошларига ўхшаб ўз асарини назмда битган бўлиб, “Назм ал-қавоид”, “Қавоид ал-курро”, “Қавоид ал-Қуръон”, “Махорижи ёрон” ва “Махорижи ҳуруф”, “Баёни махориж” каби номлар билан аталган. Унинг энг қадимги қўлёзма нусхасининг аввалида: “Шуд ба “Назм ал-қавоид” ин мавсум” деган мисра мавжуд (Mulla Zohid, № 1497/I: 91[а]).

“Назм ал-қавоид”нинг аксар қўлёзма ва тошбосма нашрларида унинг икки қисмдан иборат экани маълум бўлади. Биринчи қисми араб ҳарфларининг махражлари, яъни ҳарфларни оғизнинг чиқарадиган ўринларига бағишланган. Бу қисм 40 байтдан иборат. Иккинчи қисми эса 57 байтдан иборат. Бироқ, “Назм ал-қавоид”нинг энг қадимий нусхаларидан бири 6395/I рақами билан сақланади. Қўлёзма муқоваси қизил рангли теридан ишланган. Китобат санаси қайд қилинмаган бўлса-

да, қоғозининг Самарқанд қоғозига ўхшаши ва ёзув услуби унинг камида XVIII аср бошларига тегишли эканини кўрсатади. Асар эса 1[a]-5[a] варақларда жойлашган. Асар охирига Қуръон оятлари вақфларига бағишланган 13 байтли асар қўшилган. Бу ҳам Мирзо Зоҳидга тегишли бўлиши мумкин. "Назм ал-қавоид"нинг 10755-инвентарь рақамли нусхасида эса аввалги икки қисм кўчирилганидан кейин تمت الرسالة المسمات بنظم القواعد بعون الله – "Назм ал-қавоид" деб номланган рисола Аллоҳнинг ёрдами ила тамом бўлди", деган ёзув қайд этилган, кейин юқоридаги манзуманинг 11 байти келтирилган (Mirzo Zohid, № 10755: 28[a]). Картатекаларда эса асар номи "Қавоиди вақф" деб кўрсатилган. Демак, биз ўрганаётган асарнинг асли неча қисмдан иборат бўлган, деган савол ҳам пайдо бўлади.

"Назм ал-қавоид" Абдуррауф деган шахсга бағишланган. Асарда "Баҳри Абдуррауф кардам назм, Ба иноёти ҳазрати Мавло!" (Ҳазрати Мавло, яъни Аллоҳнинг ёрдами билан Абдуррауф учун назм қилдим) деган байт мавжуд (Mirzo Zohid, 1896: 14). "Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР" каталогида мазкур Абдурраufни мадрасанинг талабаси бўлса керак, дейилади (Sobranie vostochnix rukopisey, 1987: 270). Бизнингча, у муаллифнинг ўғилларидан бири бўлиши керак. Одатда бу хилдаги асарлар фарзандлар учун атаб ёзилади. Шунингдек, айрим картатекаларда асар муаллифини Абдуррауф деб кўрсатилгани хато эканини айтиб ўтиш ўринли. Чунки, биз келтирган байт асар муаллифи Абдуррауф эканлигига асло имкон бермайди.

"Назм ал-қавоид"нинг қачон ёзилгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам турлича. Асарнинг биринчи қисми охирида: "Ин чиҳил байтро шуда таърих, Дар баёни "махорижи ёрон" (Ушбу қирқ байтга "махорижи ёрон" баёнида сўзи таърих бўлган) деган байт мавжуд. Бу ерда "махорижи ёрон" сўзи таърих моддаси бўлса, у абжад ҳисобида 1106 ни англатади (Zohidiy, № 5892/I: 2[a]). Демак, асар ушбу санада битилган. У эса, мелодий 1694-1695 йилларга тўғри келади. "Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР" каталогида ҳам ушбу сана кўрсатилган. Мазкур каталогда 1112/1700 ва 1117/1705 саналар ҳам қўлёзмаларда борлиги қайд этилган.

Агар унга биз "баён" сўзини ҳам қўшиб ҳисобласак, у ҳолда 1169 санаси ҳосил бўлади ва у 1755 йилга тўғри келади. "Назм ал-қавоид"нинг энг қадимий нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти Асосий фондида 5693/XII тартиб рақами билан сақланади. Асар Самарқанд қоғозига йирик настаълиқ хатида 1169/1755 йили китобат қилинган. Асарнинг биринчи қисмида хаттот айрим сўзларга изоҳлар бериб кетган. Асарнинг ёзилган йилини 1755 деб белгилай олмаймиз, чунки, ундан олдин кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳам бор.

Айрим нусхаларда "махорижи ёрон" ибораси орасига "эй" сўзи қўйилган. Агар шундай бўладиган бўлса, у ҳолда 1111/1699 сана келиб чиқади. Асарнинг иккита қўлёзма нусхасида эса 1101/1690 кўрсатилган ва уларнинг ҳар иккаласида "Лафзи "ёрон" муфиди салб даҳ аст", деган қайд мавжуд. Демак, аслида асар қачон ёзилган, деган ҳақли савол туғилади. Бу ерда "ёрон" сўзига хитоб қилинаётган деб оладиган бўлсак, фаразан "эй"ни қўшамиз ва уни олиб ташласак, ҳақиқатдан ҳам 1101 келиб чиқади. Бу Муҳаммад Зоҳид ибн Муҳаммад Аслам ал-Ҳаравийнинг вафот қилган йилига тўғри келади. Демак, мазкур муаллиф уни умрининг охирида битган бўлиб чиқади.

"Назм ал-қавоид"га ёзилган шарҳни Дублет фонд картатекасида Ҳофиз Дўст қори ибн Ёдгорга тегишли дейилган. Бу хато бўлиб, мазкур асарнинг бирор жойида унинг номи учрамайди. Шу билан бирга, шарҳда Ҳофиз Дўст қори ибн Ёдгорга тегишли бўлган "Мажмаъ ал-қавоид" ҳамда "Мажмаъ ал-ажойиб" асарларидан фойдаланилгани қайд қилинган (Ahqar Kattaqo'rg'oniy, № D 1154/3: 67[a]). Аслида, мазкур шарҳ "Мажмаъ ал-қавоид" билан бирга кўчирилгани учун мутахассисларни янглиштирган. Ҳофиз Дўст қори ибн Ёдгор ҳам бухоролик етук қорилардан бўлиб, айнан тажвид илмига оид бир қанча асарлари бўлган.

"Назм ал-қавоид"га битилган шарҳнинг муаллифи кўрсатилмаган, у ўзини "Аҳқари нодон" деб атайди. Хўш, мазкур "Назм ал-қавоид"га ёзилган шарҳни ким битган? Мазкур янги топилган манбанинг муаллифи ва шарҳ номи ҳеч бир илмий адабиётда кўрсатилмаган. Шориҳ ўз шарҳининг номини "Қонун ал-қурро" деб атаган: نامیدم این رساله را قانون القراء و مشتمل به هشت باب آمد – "Бу рисолани "Қонун ал-қурро" деб номладим ва у саккиз бобни қамраб олди" (Ahqar Kattaqo'rg'oniy, № D 1154/3: 72[a]).

Шориҳ ўзини "Аҳқари нодон" деганига қараганда, XX аср бошларида яшаган, ўзининг олимлиги билан танилган Аҳқар тахаллусига эга икки нафар адиб фаолият юритган. Биринчиси, Исо хўжа Бухорий бўлиб, 1318/1900 йили вафот қилган (Mir Afzal Pirmastiy, № 63: 16[б]). "Қонун ал-қурро"да Бухородаги 1340/1921 йилги илмий баҳс тўғрисида сўз юритилганидан муаллиф Мулла Аҳмад мударрис Каттақўрғоний бўлиши керак. У ҳақида XX аср бошларида ёзилган тазкираларда маълумотлар учрайди. Жумладан, Абдуллоҳхўжа Абдий қаламига мансуб "Тазкират аш-шуаро"да, Пўлотжон домулла Қайюмовнинг "Тазкираи Қайюмий" асарларида унинг Бухорода таҳсил олгани, Каттақўрғондаги

мадрасалардан бирида мударрис ва зуллисонайн шоир экани қайд қилинган ва шеърларидан намуналар келтириб ўтилган (Abdulloh xuja Abdiy, 1983: 50-51; Pulatjon domulla Qayyumov, 1998: 450-452). “Тазкираи Қайюмий”да 1915 йилда нашр қилинган “Баёзи маҳаллий” номли баёзда унинг ашъорлари келтирилгани ҳамда унинг Мадҳий махдум деган фарзанди бўлгани ҳам зикр қилинган (Pulatjon domulla Qayyumov, 1998: 450).

Шарҳда айтилишича, Бухорода 1340/1921 йили тажвид илмидаги вақф аломати бўлмиш: صل ҳамда صلى белгиларининг фарқи бўйича қорилар ўртасида катта мунозара юз берган. Кейин олимлар бу вақтда мўътабар бўлган китобларни бирма-бир кўришга киришганлар. Ана шундай манбалар қаторида “Далоил ас-сил”, “Жомеъ ал-вуқуф”, “Хулосат ал-вуқуф”, “Кифоят ал-мубтадий”, “Мажмаъ ал-қавоид”, “Ажойиб ал-ғароиб” каби манбалар санаб ўтилган. Муаллиф бу баҳс-мунозараларда фаол иштирок қилгани, фикрини билиш учун унга мурожаат қилингани унинг ўз даврида таниқли ва етук малакали олим бўлганлигини кўрсатади. Мунозараларни Бухорода юз берган, деб берилишининг ўзи ҳам шориҳ Бухородан чеккароқда истиқомат қилаётганига ишора бўлиши мумкин. Бу маълумотлар эса бизни Мулла Аҳмад мударрис Каттақўрғоний шахсига йўналтиради ва “Қонун ал-қурро” асарининг муаллифи у эканини тасдиқлайди.

Мирзо Зоҳид 1101/1690 йили вафот этган Муҳаммад Зоҳид ибн Муҳаммад Аслам ал-Ҳаравий бўлиб, унинг бир неча асарлари Мовароуннаҳр мадрасаларида асосий ва қўшимча дарслик сифатида фойдаланиб келинган. Шундай асарларидан бири тажвид илмига оид “Назм ал-қавоид” номли рисоласи ҳисобланади. Муаллиф гарчи мантиқ олими ва мутакаллим бўлишига қарамасдан ўз фарзанди Абдурауф учун манзума шаклида тажвид илмини ўргатган. Унга Мулла Аҳмад мударрис Каттақўрғоний томонидан “Қонун ал-қурро” деган шарҳ ёзилгани изланишлар натижасида аниқланди. Мазкур рисолалар XX асар бошларида яратилган ўнлаб асарларга манба вазифасини ўтаган. Уларни ўрганиш, илмий тадқиқ этиш Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган адибларнинг янгидан-янги асарларини топиш, шундай олимларнинг янги номларини аниқлаш имконини беради.

Марказий Осиёда форс тилида битилган манбалардан яна бири Ибн Имод деган муаллиф томонидан ёзилган бўлиб, “Хулосат ат-танзил” деб аталади. У 803/1400 йили ёзилган. Унинг энг қадимги нусхаларидан бири 929/1522 санада китобат қилинган (Mir Imod, 1522: 24[a]). “Ҳадят ул-орифин”да “Ибн Имод” тахаллусли андижонлик олим тўғрисида хабар берилган бўлиб, унинг тўлиқ номини Камолиддин Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Ҳажжож ибн Юсуф ибн Имод ибн ал-Ғози ал-Андугоний деб келтиради. Уни 1326 йилда таваллуд топганини ва 1375 йили ёзган калом илмига оид “Сидқ ал-калом” номли асари тўғрисида маълумот беради. Андугонни эса Фарғонанинг бир қишлоғи сифатида келтиради (Ismoil Posho al-Bag’dodiy, 1951: 192). Бизнингча, мазкур муаллиф умрининг охирларида тажвидга оид манзума ҳам яратган.

Тажвидга оид форсий манбалардан яна бири “Қавоид ал-Қуръон” деб номланади. Унинг муаллифи Ёрмуҳаммад ибн Худойдод ас-Самарқандий бўлиб, XVI асрда яшаган олим ҳисобланади. Мазкур манбанинг 15 га яқин нусхалари мавжуд.

“Қавоид ал-Қуръон” асари шайбоний Убайдуллоҳхонга бағишланган. Муаллиф асар муқаддимасида қироат ва тажвид илмини Мовароуннаҳр ва Хуросон уламоларидан ўрганганини алоҳида қайд қилади. Асар 12 бобдан иборат: 1) “истиъоза” ва “басмала” ҳақида; 2) ҳарф махражлари ҳақида; 3) ҳарф махражларига риоя этиш тўғрисида; 4) ҳарфларнинг сифатлари баёнида; 5) нуни сокин ва танвин қоидалари; 6) идғом қоидалари; 7) мад қоидалари; 8) “ҳо”йи киноя қоидалари; 9) тафхим ва тарқиқ қоидалари; 10) вақф қоидалари; 11) расм ал-хат қоидалари; 12) қироат ровийларининг ҳар хил фикрлари.

Ёрмуҳаммад Самарқандий китобининг биринчи бобида мавзуга доир фиқҳий масалаларга ҳам тўхтаб ўтган бўлиб, бу унинг фиқҳни ҳам яхши билганлигини англатади (Yar Muhammad as-Samarqandiy, № 3354/I: 5[a]-6[a]). Муаллиф асарида ўз устози Мавлоно Носириддиннинг номини зикр қилган бўлиб (Yar Muhammad as-Samarqandiy, № 3354/I: 38[a]), бу маълумот унинг ҳаёти ва илмий фаолиятини аниқлашда ёрдам беради.

ЎзР ФА ШИ картатекаларида “Қавоид ал-Қуръон”нинг энг қадимий нусхаси асарнинг ўзи 920/1514 санада ёзиб бўлинганидан бир йил ўтиб Муҳаммад Акбар ал-Жомий номли хаттот томонидан Бухорода насх хатида 49 варақли қилиб кўчирилгани қайд қилинган (Yar Muhammad as-Samarqandiy, № 2451: 49). Бироқ, уни олиб солиштирилганда, асар муаллифнинг “Қавоид ал-Қуръон” асари эмас, балки қироат илмига оид “Китоб ал-Муфрада” номли бошқа бир асари экани маълум бўлди. Китоб Шайбонийлар сулоласининг таниқли вакили Убайдуллоҳхонга атаб ёзилган ва кўчирилган. Асарда қироат турлари, қориларнинг қироатларда ўзларига хос йўл тутган жиҳатлари баён этилган. Қўлёзма Самарқанд қоғозига ҳар бир саҳифада 9 сатрдан жойлаштирилган бўлиб, тилла суви юритилган жадвал ичига олинган. Қора чарм муқовадан иборат.

“ал-Минаҳ ал-фикрия” асари муаллифи Али ал-қори ўз шарҳини ёзишда Ёр Муҳаммад ас-Самарқандийнинг “Қавоид ал-Қуръон” китобидан ҳам фойдаланган. Жумладан, Ёр Муҳаммад ас-Самарқандийнинг “буф” (فوب) ҳарфларига сукунлик “мим” йўлиққанда “мим”ни изҳор қилиш тўғрисидаги фикрини келтириб ўтган (Mulla Ali al-qori, 2012: 1[а]). Бироқ, мазкур “ал-Минаҳ ал-фикрия”ни нашрга тайёрлаган Усома Атоё Ёр Муҳаммад ас-Самарқандийни самарқандлик бошқа бир қироат ва тажвид олими, “Изоҳ ал-хаволиф”, “Руҳ ал-мурид”, “Ақд ал-фарид фи илм ат-тажвид”, “ат-Ташжир” ва “ал-Мабсут ва-л-мазбут” асарлари муаллифи – Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Самарқандий (ваф. 780 ҳ./1378 м.) билан янглиштирган. Лекин, бу ҳолда унинг исмига “Ёр” қўшимчаси нега қўшилиб қолганига изоҳ бермаган. Бизнингча, Мулла Али ал-қори бу ерда айнан “Қавоид ал-Қуръон” асари муаллифи Ёрмуҳаммад ас-Самарқандийни назарда тутган.

Ёрмуҳаммад ас-Самарқандийнинг “Қавоид ал-Қуръон” асаридан XIX-XX аср Туркистон уламолари ҳам унумли фойдаланганлар ва ўзларининг тажвидга оид рисолаларида истифода этганлар. Жумладан, Мир Зиё ад-Диззахий томонидан битилган, Самарқандда 1913 йили чоп қилинган “Асҳал ут-тажвид” асарининг “Ҳуруфларни риоя қилиб ўқумоқлик баёни” фасли “Қавоид ал-Қуръон”нинг “Дар баёни риоят кардани ҳуруф” номли боби билан айнан бир хилдир.

Мавлоно Исмат номи билан шуҳрат қозонган бухоролик адиблардан бири Исматуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Неъматуллоҳ ал-Бухорий (XVI аср) томонидан тажвид илмига оид “Нажот ал-қори” номли асар битилган. Шайбоний Абдуллатифхонга бағишланган мазкур манба Қуръон ўқиш хосиятлари, айрим оятларнинг фазилатлари ва хато ўқиш ҳукмлари баён қилинган. Унинг икки қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмаларининг Асосий фондида сақланади. Асар насрда ёзилган бўлиб, ҳарфларнинг махражлари тўғрисидаги муаллифнинг манзумаси ҳам унга илова қилинган.

Ҳофизи Калон номи билан танилган бухоролик олимнинг “ад-Дуррат ал-фарида” ҳамда “Анис ал-қурро” номли асарлари мавжуд. У Шайбонийхон ва Убайдуллоҳхон даврида Самарқандда илмий фаолият олиб борган олим ҳисобланади. “Музаккири аҳбоб”да: “Ҳофизлар йўлбошчиси Ҳофизи калон Самарқанднинг мўътабар соҳиби вуқуф ҳофизларидан ва яхши қориларидан. Шайбонийхон ҳузурида тўла ишончга эришган киши экан. Кўпчилик ҳофизлар унинг фойдали илмларидан баҳраманд бўлишган. Бир неча муддат имом-хатиблик мансабида туриб, қадри пояси баланд кўтарилди”, дейилган (Hasanxoja Nisoriy, 1993: 159).

Мазкур иқтибосда Ҳофизи калонни “соҳиби вуқуф” дейилишининг сабаби у “Қуръон”нинг вақф ўринларини жуда яхши билувчи мутахассис эканлигидан далолат қилади. Унинг мазкур икки асари ҳам шу мавзуга бағишланган. ЎзР ФА ШИ қўлёзмлари картатекаларида 2945 тартиб рақами билан сақланадиган Ҳофизи Калон қаламига мансуб асарнинг номини “Анис ал-қурро” деб берилган. Ушбу асар қўлёзмаси 927/1521 йили кўчирилган бўлиб, у автограф бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, мазкур асарнинг номи ҳеч қаерда аниқ ёзилган эмас, тадқиқотчилар асар номини қуйидаги байтдан аниқлашган кўринади:

Умид ҳастки ин нусхаи муҳқири ман,

Анис-у ҳамдами қурро-и ин замон гардад (Hofizi kalon, № 2945: 4[б]).

Мазмуни: “Бу камтар кишининг ушбу нусхаси давримиз қориларига ҳамдам ва улфат бўлишидан умид бор”.

Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган ва китобат қилинган ушбу қўлёзма нусхаси: الحمد لله الذى وفقنى لإتمام هذه المفردة المفيدة – “Ушбу “ал-Муфрада ал-муфида”нинг тугатишга мени муваффақ айлаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!” жумлалари билан тугатилган (Hofizi kalon, № 2945: 45[а]). Бизнингча, асар номи “Анис ал-қурро” эмас, балки “ал-Муфрада ал-муфида” бўлиши керак.

Ҳофизи Калоннинг “Хулосат ал-ҳукамо” номли форс тилидаги асарни ўзбек тилига таржима қилгани ҳам маълум.

Фарғоналик олимлардан бири Сидқий тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Содиқ ибн Абдулбоқи ал-Фарғоний томонидан 1000/1591 йили “Риёз ал-аброр” номли асар битилган. 41 варақдан иборат ушбу асар қўлёзмаси Қуръон қироатига бағишланган форс тилидаги ноёб манба ҳисобланади (Muhammad Sodiq al-Farg’oniy, № 6395/II: 8[б]-49[а]).

“Риёз ал-аброр”да тажвид қоидаларидан ташқари “Қуръон” китоби тўғрисида умумий маълумотлар, уни ўқишнинг фазилатлари, махфий ва жаҳрий ўқиш усуллари, тиловатнинг миқдори, тиловат одоблари, тиловат саждаси, машҳур қориларнинг қисқача таржимаи ҳоллари ҳамда оятлардан олинган ҳар хил дуолар ҳам алоҳида-алоҳида фаслларда айтиб ўтилган.

Яна шу йили Муҳаммад Содиқ ал-Фарғонийнинг “Ҳадойиқ ал-ахёр” номли асари ҳам ёзилган. Унинг ҳам бир неча қўлёзма нусхалари ЎзР ФА ШИ қўлёзмаларининг Асосий фондида сақланади.

Али ибн Азизон ал-Бухорийнинг “Қироат ас-Сибтайн” номли асар ҳам Қуръон ўқиш қоидаларига бағишланган. Асарнинг тошкентлик хаттот Абдулваҳҳоб Шоший томонидан 1865 йили китобат

қилинган бир нусхаси 45 варақдан иборат (Ali Buxoriy, № 1591/III: 45б). Асар аштархонийлардан бўлган Субҳонқулихон даврида 1107/1695 йили ёзилган. Китоб форс тилида 635 байтдан иборат қилиб тузилган манзума ҳисобланади. Асарда бу ҳақида қуйидаги байтлар мавжуд:

Дар замони хилофати хоқон,
Яъни, Субҳонқули Баҳодирхон.
Жамъи ин нусха шуд бадавлати у,
Дар жаҳон кам мабод ҳиммати у...
Баҳри он шоҳи адл хизрҳаёт,
Туҳфа шуд ин бизоати музжот.
Саду ҳафт ҳазор аз ҳижрат,
Рафта буд, эй жавони божуръат.
Баҳри ту, ин китобро, эй айн,
Ном карда "Қироат ас-сибтайн".
Жумлаи абёт ин ҳуруфи кибор,
Шаш саду сию панж шуд, бишумор! (Ali Buxoriy, № 1591/III: 42а).

Мазмуни: "Бу нусха хоқон Субҳонқулихон салтанати даврида унинг сояи давлати остида жам бўлди. Унинг ҳиммати жаҳонда кам топилади. Ўша адолатли, хизрҳаётли шоҳ учун бу қимматбаҳо сармоя туҳфа этилди. Бу вақтда, эй журъатли йигит, ҳижратдан 1107 йил ўтган эди. Бу китобга, эй кўзимнинг равшани, "Қироат ас-сибтайн" деб ном қўйилди. Ушбу улуғ ҳарфларнинг барча байтлари сони 635 байтдан иборат эканини ҳисоблаб чиқ!".

"Қироат ас-Сибтайн"нинг муҳим томонларидан бири, унинг насиҳатомуз байтлари ҳамдир. Ушбу панд-насиҳатлар устоз-шогирдлик анъаналарида бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жумладан, муаллиф: "Бу илмни ҳалимлик билан ўтириб, устозларнинг бевосита оғзидан, Қуръонни устодлар ҳузурида эшитиб-ўрган. Қорилар, уламолар, фақирона ҳаёт кечирувчи машойихларга жону дил билан хизмат қил. Ҳунари дунё тўплаш, назари мол-мулк орттиришга қаратилган кишиларга ошно бўлма!", деб насиҳат қилади (Ali Buxoriy, № 1591/III: 42б).

Муаллиф фарзандига Қуръон ўқитишнинг, умуман, илм олишнинг фазилати тўғрисида алоҳида фасл ажратган бўлиб, унда бундай ҳадис нақл қилинади:

Дар ҳадис омадаки, гуфт Худо,
Эй Муҳаммад, ка-з-ин ҳар ду саро.
Ҳарки аз уммати ту Қуръонхон,
Кард фарзанди хешро ба жаҳон.
Ёбад аз ҳажжу умра бист ҳазор,
Дах ҳазор дигар зи ғазва шумор... (Ali Buxoriy, № 1591/III: 42б).

Мазмуни: "Ҳадисда келтирилганки, Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга: "Умматингда ҳар ким фарзандини Қуръон ўқийдиган қилиб тарбия қилса, йигирма минг ҳаж ва умранинг, яна мингта жиҳод қилганнинг савобини топади".

Муаллиф илм олиш ҳақида келтирилган шу хилдаги савобларни ёзар экан, "Буларнинг барчаси ота учун бўладиган бўлса, илм олувчи ўғилнинг ўзига қандай савоблар бериларкан?!" деб хитоб қилади. Бу хилдаги сатрлар бугунги кунда илм-фанга қизиқмасдан, илм ўқиш ўрнига ҳар хил ғаразли мақсадларни тарқатувчи, вайронкор кучлар томонидан нотўғри талқин қилинувчи жиҳод ва ҳижрат каби ғояларга алданиб қолаётган ёшларни тўғри йўлда тарбия қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё қўлёзма жамғармаларида мовароуннаҳрлик олимларнинг ҳали илмий тадқиқотларга жалб қилинмаган, илмий тавсифлари яратилмаган қўлёзма манбалари жуда кўп. Ана шундай манбалар қаторида исломий илмларга оид, айниқса, тажвид илмига бағишланган қўлёзмалар ҳам киради. Мовароуннаҳрда битилган тажвидга оид асарларнинг бизгача етиб келганлари, асосан, XVI-асрдан бошланади. XIX асрга келиб эса бир қанча мўъжаз рисолалар, айнан кичик ёшли болаларга мўлжалланган форс ва туркий тилдаги назмий ва насрий асарлар ёзилди. XX аср бошларида эса уларнинг ўндан ортиғи тошбосмаларда ҳам нашр қилиб кўпайтирилган эди. Уларнинг муаллифлари ҳаёти ва ижодлари, асарларидаги маъно-мазмун ҳалигача тўлиқ ўрганилган эмас. Уларни ўрганиш Марказий Осиё ва унинг юраги бўлмиш қадим Туркистон – Ўзбекистон тарихининг ҳанузгача очилмаган саҳифаларини тўлдиришда жуда катта аҳамияти бор. Бу асарларни тадқиқ қилиш натижасида бобокалон олимларнинг исломий илмларга қўшган ҳиссаси янада кўпроқ бўлгани англашилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdulloh xuja Abdiy. "TAZKIRAT ASH-SHUARO", Dushanba, Donish, 1983, s. 50-51.
2. Abulqosim ash-Shotibiy. "KITOB VUQUF AL-MUDALLAL", UzR FA SHI qo'lyozmalar fondi, № 12101, v. 175.
3. Ahqar Kattaqo'rg'oniy. "QONUN AL-QURRO", UzR FA SHI qo'lyozmalar fondi, № D 1154/3, v. 67a.
4. Ahqar Kattaqo'rg'oniy. "QONUN AL-QURRO", UzR FA SHI qo'lyozmalar fondi, № D 1154/3, v. 72a.
5. Ali Akbar Dehxudo. "LUG'ATNOMA", 8-jild, Tehron, Muassasai intisharat va chopi Donishgohi Tehron, 1993,. – P. 11084.
6. Ali Buxoriy. "QIROAT AS-SIBTAYN", UzR FA SHI qo'lyozmalar fondi, № 1591/III, v. 42a.
7. Hasanxoja Nisoriy. Muzakkiri ahbob. – Toshkent: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 1993. – B. 159.

8. Hofizi kalon. “AD-DURRAT AL-FARIDA”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 10530, 10685/XI, 2945.
9. Hofizi kalon. “AL-MUFRADA AL-MUFIDA”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 2945, v. 45a.
10. Hofizi kalon. “ANIS AL-QURRO”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 2945, v. 46.
11. Ismatulloh Buxoriy. “NAJOT AL-QORI”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 12139/II, 5096/III.
12. Ismoil Posho al-Bag’dodiy. “HADIYAT AL-ORIFIN”, 3-jild, Istanbul, Bahiya, 1951, s. 192.
13. Mir Afzal Pirmastiy. “AFZAL AT-TIZKOR”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 63, v. 166.
14. Mir Imod. “XULOSAT AT-TANZIL”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 10493/XIII, v. 24a.
15. Mirzo Zohid. “NAZM AL-QAVOID”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 5693/XVII, v. 916.
16. Mirzo Zohid. “QAVOIDI QURRO”, Toshkent, Breydenbax, 1896, s. 43.
17. Muhammad Amin Zohid. “TUHFAT AL-AXYAR”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 7359/VI.
18. Muhammad Sodiq al-Farg’oniy. “RIYOZ AL-ABROR”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 6395/II, v. 86-49a.
19. Muhammad Zohid al-Haraviy. “RISOLA TASDIQ AT-TASAVVUR VA-T-TASDIQ”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 5330/VII, v. 147a-154б.
20. Mulla Ali al-qori. “AL-MINAH AL-FIKRIYA FI SHARH AL-MUQADDIMA AL-JAZARIYA”, tahqiq: Usama Ataya, Damashq, Dar al-g’avsaniy, 2012, s. 198. – P 1a..
21. Mulla Zohid. “LUG’ATI QUR’ON”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 1497/I, v. 1a.
22. Pulatjon domulla Qayyumov. “TAZKIRAI QAYYUMIY”, 2-jild, Toshkent, 1998, s. 450-452.
23. Shamsiddin az-Zahabiy. “MA’RIFAT AL-QURRO AL-KIBOR”, 4 jild, tahqiq: Tayyor Oltiquloch, Istanbul, 1995. – P. 23.
24. Shamsiddin ibn al-Jazariy. “G’OYAT AN-NIHOYA FI TABAQOT AL-QURRO”, 2 jild, Bayrut, Dor al-kutub al-ilmiya, 2006. – p. 24.
25. Sobranie vostochnix rukopisey Akademii nauk Uzbekskoy SSR, tom XI, № 7379, Tashkent, Fan, 1987, s. 270.
26. Yar Muhammad as-Samarqandiy. “KITOB AL-MUFRADA”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 2451, v. 49.
27. Yar Muhammad as-Samarqandiy. “QAVAID AL-QUR’AN”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 3354/I, v. 5a-6a.
28. Zohidiy. “RISOLA MAXORIJ VA QAVOID”, UzR FA SHI qo’lyozmalar fondi, № 5892/I, v. 2a.
29. O‘zR FA ShI, № D 2578/II.
30. O‘zR FA ShI, № 10755. – V. 28a.
31. O‘zR FA ShI qo‘lyozmalar fondi, № 5693/XVII-XVIII. – V. 91b-95a.